# Жумадан олдин гаплашиш

Image not found or type unknown



05:00 / 22.11.2024    4847

عَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللهُ عَنْهُ قَالَ: أُقِيمَتِ الصَّلَاةُ فَأَخَذَ رَجُلٌ بِيَدِ النَّبِيِّ r، فَمَا زَالَ يُكَلِّمُهُ حَتَّى نَعَسَ بَعْضُ الْقَوْمِ. رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ.

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

**«Намозга иқомат айтилди. Шунда бир одам Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қўлларидан ушлаб, тўхтатди. У зот ўша киши билан гаплашиб тураведилар. Ҳатто қавмнинг баъзини мудроқ босди».**

*Термизий ривоят қилган.*

**Хутбадан кейин гаплашиш**

*«Сунан» эгалари келтирган ривоятда:*

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам минбардан тушган чоғларида ҳожатмандлар билан гаплашар эдилар»,** – дейилган.

*“Жума ҳақидаги оят ва ҳадислар” китобидан*